Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 15 октябрь, № 216 (9387) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.



Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда мамлакатимиз етакчисини Озарбайжон Бош вазирининг ўринбосари Шаҳин Мустафаев ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисини Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислиги муваффақиятли кечаётгани ҳамда унинг еттинчи саммити юқори савияда ташкил этилгани билан самимий табриклади.

Шу йилнинг август ойида Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражаларда самарали алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ошди. Геология, энергетика, қурилиш, транспорт, логистика, енгил саноат, туризм ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирди.

Маданий-гуманитар алмашинувнинг тадбирларга бой дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

15 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТОШКЕНТДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Тошкент шаҳрида маҳаллаларни ободонлаштириш, янги мактаб ва боғчалар қуриш ҳамда шаҳар муҳитини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Яшнобод туманидаги Ватандош, Моҳинур, Ал-Бухорий ва Тонг маҳаллаларини комплекс янгилаш лойиҳаси тақдим этилди. Уларнинг умумий майдони 75 гектар бўлиб, бу ерда 18 минг 386 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Лойиҳа “15 дақиқалик маҳалла” тамойилига асосланган. Унга кўра, аҳоли учун зарур савдо ва маиший хизматлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, дам олиш ҳамда спорт масканлари одамларга қулай масофада жойлаштирилади.

Ҳудудда яшил майдонларни кенгайтириш, уч километрлик сайр йўлагини ташкил этиш, болалар ва спорт майдончаларини янгилаш, кўп тармоқли спорт иншоотини барпо этиш режалаштирилган. Мавжуд мактабларни кенгайтириш ҳисобига 2 мингта қўшимча ўқувчи ўрни яратиш, 540 ўринга мўлжалланган тўртта боғча ва учта поликлиника ташкил этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Маҳаллаларда автомобилларни ҳовлилардан ташқарида жойлаштириш, жамоат транспорти бекатларини янгилаш, хавфсиз пиёда ва велосипед йўлакларини барпо этиш таклиф қилинди. Шунингдек, 76 та уйнинг ташқи кўринишини ва муҳандислик тармоқларини янгилаш, кўчаларни ёритиш, чиқинди йиғиш шохобчаларини кўпайтириш кўзда тутилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, кафе ҳамда аҳоли мулоқот қилиб, ҳордиқ чиқарадиган жойлар ташкил этилади.

“15 дақиқалик маҳалла” тамойили асосида пойтахтда 2027 йилда 100 та, 2030 йилга қадар эса 400 та маҳалла комплекс янгиланади. Бу жараёнда ушбу маҳаллалардаги барча инфратузилма, жумладан, иссиқлик, ичимлик суви, канализация, электр энергияси, газ ва ёритиш тизимлари, кўп квартирали уйлар фасадлари, йўл ва йўлаклар, болалар ва спорт майдончалари тўлиқ янгиланади. Маҳаллаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган дарахт ва буталар сони халқаро стандартларга мослаштирилади.

2030 йилга қадар 400 та маҳаллада 130 мингта янги иш ўрни яратилади, хусусан, 2027 йилда 100 та маҳаллада 22 мингта. Бунинг учун банклар томонидан “конвейер” лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш тизими йўлга қўйилади.

Пойтахтда аҳоли сони ўсиши билан ўқувчи ўринлари танқислиги ортиб бормоқда. 2025/2026 ўқув йилида у 141 мингтани ташкил этган бўлса, кейинги беш йилда ўқувчилар сони 71 мингтага (14 фоиз) кўпайиши ҳисобига 2030/2031 ўқув йилига бориб, 212 мингтага етиши мумкин. Шу боис 2030 йилгача республика бюджети ҳисобидан 48 мингта, маҳаллий бюджет ҳисобидан 78 мингта янги ўқувчи ўрни яратиш режалаштирилган. Натижада мактабларнинг юкламаси ҳозирги 1,4 коэффициентдан 2030 йилда 1,2 гача пасаяди.

2026/2027 ўқув йили учун умумий майдони 64,6 минг квадрат метр бўлган, жами 38 минг ўринли 24 та янги мактабнинг лойиҳалари тайёрланган. Мактабларнинг амалдаги намунавий лойиҳаларига 17 та янги имконият қўшилмоқда. Жумладан, қўшимча ўқув майдонлари, кутубхона, спорт ва маданият тадбирлари учун мослашувчан заллар, ўқитувчилар учун қулай хоналар кўзда тутилган. Лойиҳаларда пандус ва лифтлар, инклюзив таълим хоналари, тиббий хоналар, хавфсизлик ҳамда энергия тежамкорлик ечимлари ҳам назарда тутилган. Ҳаракат ва сув датчиклари ҳисобига электр энергияси сарфи 20 фоизгача, сув сарфи 10 фоизгача тежалади. Янги ечимлар ер майдонини 50 фоиз тежаш, бир ўқувчига тўғри келадиган майдон самарадорлигини 15 фоизга ошириш, спорт майдонларини уч баробар кенгайтириш имконини беради. Умуман олганда, намунавий лойиҳалар самарадорлиги 40 фоизга оширилади.

Хусусий таълим марказларининг давлат мактаблари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилади. Бу ўқувчиларнинг мактабнинг ўзида олийгоҳларга тайёрланиши ва янги тилларни ўрганиши учун шароит яратади.

Шаҳарда 3 — 7 ёшли болалар сони 253 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг мактабгача таълим билан қамрови 79,2 фоиз, боғчалардаги ўринлар танқислиги эса 65 мингта. Шу боис 2030 йилгача республика бюджети ҳисобидан 8 мингта, маҳаллий бюджет ҳисобидан 32 мингта қўшимча боғча ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Натижада 2030 йилда қамров 92 фоизга етказилади. 2026/2027 ўқув йили учун эса умумий майдони 32 минг квадрат метр бўлган, жами 16 минг ўринли 28 та янги боғчанинг беш турдаги лойиҳалари тайёрланган.

Боғчаларнинг намунавий лойиҳасига болалар ривожланиши ва саломатлигига хизмат қилувчи 14 та янги ечим киритилмоқда. Уларда сенсор ва логопед хоналари, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш жойлари, тиббий блок, турли машғулотларга мослаштириладиган заллар бўлади. Болалар хавфсизлиги учун видеокузатув ва жароҳатдан ҳимояловчи қопламалар, қулай муҳит яратиш учун ҳаво тозалагичлар, шунингдек, энерготежамкор ёритиш ва қуёш панеллари кўзда тутилган. Бу орқали намунавий лойиҳалар самарадорлиги 38 фоизга оширилади.

Тақдимотда Учтепа туманида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан “Uchtepa city” замонавий ишбилармонлик марказини барпо этиш лойиҳаси ҳам тақдим этилди. 37 гектар ҳудудда икки босқичда амалга ошириладиган лойиҳанинг биринчи босқичида 26 гектарда инвестор томонидан 1 миллиард доллар инвестиция киритилади. Иккинчи босқичда 11 гектарда тураржой ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилади. Марказда кўп қаватли тураржойлар, офислар, савдо-кўнгилочар мажмуа, халқаро брендга эга меҳмонхона ва сайилгоҳ барпо этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон — Туркия дўстлик боғи ва Отатурк кўчасининг меъморий концепцияси ҳам намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга тақдим этилган лойиҳаларни аҳоли эҳтиёжлари ва шаҳарсозлик талаблари асосида янада пухта ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА.

Йиғилиш

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида ўтказилган Сенат Кенгаши йиғилишида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати муҳокама қилинди.

Унда Сенат аъзолари, Президент Халқ қабулхонаси раҳбари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, шунингдек, ҳудудий ҳокимликлар ва маҳаллий Кенгашлар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош ғояси — “Инсон қадри учун” тамойилидир. Конституциямизда мустаҳкамланган ижтимоий давлатнинг асосий моҳияти эса, аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг ташвишларини эшитиш ҳамда муаммоларига ечим топишда намоён бўлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқароларнинг дарду ташвишларини бевосита эшитиш ва уларнинг муаммоларига ечим топишга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Президент Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхона ташкил этилди, шахсий ҳамда сайёр қабуллар тизими йўлга қўйилди.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

«ЎЗБЕКИСТОН ЭҲТИРОМИ» ОРДЕНИ ТАЪСИС ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон эҳтироми” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг очиқ, прагматик ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсати натижасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари изчил кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш, йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни кучайтириш борасида тарихий натижаларга эришилмоқда.

Мазкур жараёнларда хорижий давлат ва ҳукумат ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, йирик компаниялар бошлиқлари ҳамда чет эллик ҳамкорларнинг шахсий ташаббуслари ва амалий ҳиссаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, йирик иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида хизмат кўрсатган хорижий шахсларни муносиб тақдирлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

2

ХАЛҚЛАРНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРУВЧИ МАРКАЗ

Кўҳна Бухорода Озарбайжон маданияти ва санъати кунлари ўзгача руҳда кечмоқда. Икки халқ маърифатпарвар ижодкорлари, санъаткорлари иштирокидаги дилкаш учрашувлар, намойиш этилаётган концерт дастурлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Тадбир

Куни кеча ҳафталик доирасида яна бир эсда қоларли воқеа бўлиб ўтди. Бухоро давлат университетининг тарих факультетида буюк озарбайжон мутафаккири Юсуф Қорабоғий номидаги Озарбайжоншунослик маркази очилди.

Тантанали маросимда университет раҳбарияти, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар қатнашди. Тадбирда таъкидланганидек, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ришталари бирлаштириб турувчи икки халқнинг тарихий шахслари ҳаёти ва улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу марказ Озарбайжон тарихи, миллий маданияти, адабиёти, санъатини ўрганиш, туркий халқларнинг муштарак меросини тадқиқ қилишда илмий изланувчилар, ўқитувчилар учун ўзига хос майдон вазифасини ўташи билан аҳамиятли.

Шу ўринда марказнинг Юсуф Қорабоғий номи билан аталиши ҳам бежиз эмаслигига эътиборни қаратмоқчимиз. Аёнки, Бухоро азалдан илму фан бешикларидан бири саналган. Шу боис дунёнинг турли гўшаларидан толиби илмлар ушбу заминга келиб илм ўрганиш истагида бўлишган. Ана шундай инсонлардан бири — Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий. У асли озарбайжонлик, аммо умрининг кўп қисмини Бухорода ўтказган, XVI аср иккинчи ярми — XVII аср биринчи ярмидаги Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий ва илмий тафаккури ривожига муносиб ҳисса қўшган зот саналади. Олимнинг мантиқ, фалсафа, жуғрофия, араб тили, риёзиёт, луғатшуносликка доир йигирма тўрт асари сақланиб қолган. Ғазаллар “Девон”и ҳам бўлган.

Тадбирдан сўнг БухДУ олимлари ҳамда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жумладан, Юсуф Қорабоғийнинг илмий-фалсафий меросини чуқур ўрганиш юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Бухоро шаҳрида ҳафталик доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ЎЗАРО ИШОНЧГА ТАЯНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, ўзбек билан қозоқ миллатини ҳам бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Асрлар давомида бир дарёдан сув ичган бу икки халқ, айниқса, сўнгги йилларда янада жипслашди. Марказий Осиёнинг беш давлатини, таъбир жоиз бўлса, бир қўлнинг беш бармоғига ўхшатиш мумкин. Уларнинг бугунгидек бир мушт бўлиши умумий тараққиётга эришиш йўлларини кенгайтирмоқда. Минтақамиз имкониятлари ва салоҳияти бундан-да чексиз.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги айни муносабатлар стратегик аҳамиятга эга. Бир неча йил олдин бу алоқалар иттифоқчилик даражасига кўтарилган. Қосим-Жомарт Токаевнинг Хива шаҳрига норасмий ташрифи чоғида эса Президентлар Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлиги ва сиёсий алоқалари энди икки томонлама тандем форматида ривожланишини эълон қилди. Бу ўзаро ишончнинг юқори даражасидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Қозоғистон — интеграциянинг локомотивлари, минтақада иқтисодий ўсишнинг асосий катализаторлари. Бир неча ўн йил олдин “болқонлашиши” прогноз қилинган Марказий Осиёни бугун АҚШ Евроосиё ядроси деб, Хитой ҳамда Ғарб давлатлари “Янги Ипак йўли” деб атамоқда, кўп қутбли дунёнинг муҳим элементи сифатида қўллаб-қувватлаяпти.

Якдилликни ошираётган музокаралар

Эътиборлиси, минтақа давлатларининг овозлари бир оҳангда янграб, “Марказий Осиё плюс” форматидаги музокараларнинг ҳар бир янги босқичи якдилликни оширмоқда. Бунда, албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг локомотив сифатидаги роли муҳим аҳамият касб этади. Маслаҳат учрашувлари савдо тўсиқларини бартараф қилиш, божхона процедураларини соддалаштириш ҳамда қонунларни уйғунлаштириш орқали камчиликлар устида ишланаётгани галдаги муваффақиятларга асос бўлаётир.

Халқаро муносабатларнинг ушбу мураккаб кўп векторли тузилмасида айнан Ўзбекистон — Қозоғистон тандеми янги иқтисодий платформани ёки минтақани ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам стратегик алянсни шакллантиряпти. Албатта, бу боғлиқликнинг барқарорлиги мамлакатларимиз етакчилари ўртасидаги дўстона муносабатлар билан таъминланади.

Дарвоқе, сиёсатчиларга уларнинг амалий ишлари билан баҳо беришади. Икки мамлакат етакчилари ҳам сўз ва иш бирлиги билан ном қозонган. Айниқса, ўзаро савдони ривожлантириш, янги ўсиш нуқталарини топиш, товарлар номенклатурасини кенгайтириш, экспортни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Етакчиларнинг самимий мулоқотлари натижасидан ҳам билиш мумкинки, икки давлатнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлиги янги иқтисодий чорраҳанинг янада аниқроқ контурларини шакллантирмоқда. Ўзаро савдо динамикаси ҳамда янги ташаббуслар ҳам бундан далолат беради.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 15 октябрь

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

1 Бугунги кунда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамда маҳалладаги масъуллар фуқаролар муаммоларини ҳал этиш учун зарур ваколат ва имкониятларга эга. Кўплаб мурожаатлар бўйича ижобий натижаларга эришилаётганига қарамай айрим ҳолларда бир масала юзасидан такрорий мурожаатлар қилиш, фуқароларнинг турли идоралар ўртасида сарсон бўлиши ва маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар билан пойтахтга келиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Бу эса мурожаатлар билан ишлашда фақат уларни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тизимли равишда бартараф этиш ва фуқароларнинг ҳар бир мурожаати бўйича аниқ натижага эришиш зарурлигини кўрсатади.

Мажлис давомида сенаторлар ҳар бир мурожаат ортида инсоннинг тақдири, оиланинг ташвиши борлиги, бир хил масала кўплаб мурожаатларда такрорланса, ушбу масалага алоқадор давлат бошқаруви, тегишли соҳа ёки маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти таҳлил қилиниб, бунинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарурлигини қайд этишди.

Муҳокамада мурожаатларни биринчи босқичда тўлиқ ҳал қилмаслик, расмиятчиликка йўл қўйиш ва белгиланган муддатларга риоя этмаслик каби камчиликларни бартараф қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан энг кўп мурожаат келиб тушаётган вазирлик ва идораларга уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиш, такрорий сўровларга олиб келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чоратадбирлар белгилаш вазифаси қўйилди. Уларни кўриб чиқиш муддатларини бузган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, ижро интизомини мунтазам муҳокама қилиш, арз йўлловчилар билан қайта алоқа ўрнатиш ва уларнинг қониқиш даражасини баҳолаш механизмларини жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Бош прокуратурага мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш, ҳудудий ҳокимликларга сайёр ва шахсий қабулларни самарали ташкил этиш, маҳаллий Кенгашларга эса ушбу масалани мунтазам муҳокама қилиб бориш вазифалари белгиланди.

Муҳокама якунида Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

«ЎЗБЕКИСТОН ЭҲТИРОМИ» ОРДЕНИ ТАЪСИС ҚИЛИНАДИ

1 Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида хизматларни эътироф этишга, чет давлатлар фуқароларини тақдирлашга қаратилган янги давлат мукофоти — “Ўзбекистон эҳтиромиˮ орденини таъсис этиш тўғрисида қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳага кўра, мазкур орден икки даражада бўлиб, “Олий даражали Ўзбекистон эҳтиромиˮ ордени билан Ўзбекистон Республикасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини барқарор ривожлантиришда, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал қилишда юксак ирода намоён этган, тинчлик, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган, маданий ҳамда иқтисодий дипломатия орқали халқлар ўртасидаги яқинлик ва бирдамликни таъминлаш, хорижий ҳамкорлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришда катта натижаларни қўлга киритган ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида эътироф этилган юксак хизматлари учун хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг атоқли давлат ва жамоат арбоблари мукофотланади.

“Ўзбекистон эҳтиромиˮ ордени билан Ўзбекистон Республикаси халқининг юксак ҳурмат ва эътирофи рамзи сифатида мамлакатимиз манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ишончни таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, давлат ва жамият ривожига хизмат қилган алоҳида саъй-ҳаракатлари учун хорижий давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар раҳбарлари, чет давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, инсонпарварлик ва хайрия фаолияти билан давлат ҳамда жамият манфаатлари учун салмоқли ҳисса қўшган хорижий давлатлар фуқаролари мукофотланади.

Улуғбек ШЕРМАТОВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:



— Мазкур орденнинг таъсис қилиниши хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини муносиб эътироф этиш, хорижий ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиз манфаатларини халқаро майдонда фаол илгари суриш, давлатлараро дўстлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги мамлакатимиз парламент делегацияси Берлин шаҳрида бўлиб турибди.

Кеча Ўзбекистон парламент делегацияси ва Германия Бундестаги Раиси ўринбосари Жозефина Ортлеб ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва ижтимоий соҳаларда тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Жозефина Ортлеб Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, парламент дипломатиясининг сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро муаммоларга ечим топишдаги аҳамиятини таъкидлади.

Шунингдек, мулоқот давомида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш масалалари муҳокамага тортилди. Бу борада қонунчилик тажрибасини ўрганиш ва парламентларнинг тегишли тузилмалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шериклик ҳам учрашувнинг муҳим мавзуларидан бири бўлди. Тиббий хизматлар сифати ва оммабоплигини кучайтириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда қўшма ташаббусларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Якунда икки мамлакат парламентларининг тегишли қўмиталари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро манфаатли йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси Германия Бундестагининг “Германия — Марказий Осиёˮ парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи вакиллари билан ҳам учрашди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Германия парламенти аъзолари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ортиб бораётгани, немис инвестициялари ҳажми ва компаниялар фаолияти кенгаяётгани, шунингдек, туристик алмашинувлар жадал ўсиб бораётганини юқори баҳолади.

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш, таълим ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ўз навбатида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси доирасидаги мулоқотни янада фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2027-2028 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорликнинг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, келгуси йили Германия Бундестаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ва унинг доирасида Оролбўйидаги экологик вазият билан танишиш бўйича якдил фикр билдирилди.

Шунингдек, Марказий Осиёнинг бешта давлати парламентлари ва Германия Бундестаги вакиллари иштирокида биринчи “Марказий Осиё — Германияˮ парламентлараро форумини ўтказиш масаласини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Очиқ мулоқот

ОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ МУАММОЛАР ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов Наманган вилояти, Учқўрғон туманида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Унда Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган қонунлар ва масалаларнинг инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазаси, иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда таълим-тарбия тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Очиқ мулоқот давомида қонунчиликдаги янгиликларнинг амалий аҳамияти, фуқаролар учун яратилаётган имкониятлар юзасидан фикр алмашилди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Шундан сўнг Қўғай маҳалласида масъуллар иштирокида сайёр қабул ташкил этилди. Қабул давомида аҳоли томонидан ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминоти, ички йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш, бандлик, ижтимоий ҳимоя ҳамда тиббий хизмат билан боғлиқ масалалар кўтарилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари масъуллар иштирокида кўриб чиқилиб, тегишли тушунтиришлар берилди. Қўшимча ўрганиш ва амалий чоралар кўришни талаб этадиган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар белгиланди. Уларнинг ижроси назоратга олинадиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида ёш авлодни миллий тарбия ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Унда мазкур тизимни мукаммаллаштириш, Миллий тарбия модели дастурини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида таълим олувчиларнинг ёши ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, тарбия жараёнини қандай амалга ошириш механизмлари ўз аксини топади.

Муҳокамада Ватанга садоқат, миллий ғурур ва ўзликни англаш, ҳалоллик, масъулият, интизом, меҳнатсеварлик, вақтни қадрлаш, оилапарварлик, бағрикенглик, китобхонлик, илмга қизиқиш, табиат ва жамоат мулкига эҳтиёткорлик, мустақил фикрлаш тарбия тизимининг қадриятлари бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Таълим ва илм-фан вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларининг миллий тарбия тизимини такомилига етказишга қаратилган таклифлари кўриб чиқилди.

Якунда билдирилган таклифлар асосида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Сенатор ва ёшлар

ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Сенинг ташаббусинг — сенинг келажагинг” мавзуида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова билан талаба-қизлар учрашуви ташкил этилди.

Мулоқотда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, замонавий таълим имкониятларидан самарали фойдаланиш, илмий изланишлар олиб бориш, рақамли технологияларни ўзлаштириш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда қизларнинг чуқур билим олиши, касбий кўникмаларини ривожлантириши ва ўз ғояларини амалиётга татбиқ қилиши уларнинг келажакдаги муваффақияти билан бирга, жамият тараққиёти учун ҳам муҳим. Бунинг учун ёшларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, мустақил фикрлаш ва янги ташаббусларни илгари суриш алоҳида аҳамият касб этади.

Учрашувда, шунингдек, иқтидорли талаба-қизларнинг илм-фан, рақамли технологиялар ва тадбиркорлик соҳаларидаги фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Талаба-қизлар таълим, касбий ривожланиш ва ёшларга яратилаётган имкониятлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, батафсил жавоблар олди.

БАХТЛИ ОИЛА – КУЧЛИ ДАВЛАТ

12 — 14 октябрь кунлари Беларусь Республикасининг Полоцк шаҳрида “Бахтли оила — кучли давлатˮ мавзуида IV халқаро форум бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Зумрад Бекатова иштирок этди.

Анжуман

Форумда оила институтини мустаҳкамлаш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қонунчиликдаги янгиланишлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, оилавий зўравонлик ва таъқиб учун жавобгарлик белгиланган, жабрланганларни ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилаётгани таъкидланди, ўз навбатида, хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан тажрибалар тақдим этилди.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини рағбатлантириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш ҳамда оилаларни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

ВАЗИР ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси ташаббусига асосан навбатдаги “Ҳукумат соатиˮ бўлиб ўтди. Унда кўп квартирали уй-жой фондини самарали бошқариш, шунингдек, аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

«Ҳукумат соати»

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. Ҳидоятов депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Вазир ахборотида қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 1,6 миллиондан зиёд хонадонлардан иборат 46 мингдан ортиқ кўп квартирали уй-жойлар мавжуд. Мазкур уйларнинг 42 мингдан ортиғига бошқарув сервис компаниялари, 700 дан зиёдига уй-жой мулкдорлари ширкатлари, қолган қисмига эса бошқа бошқарув шакллари орқали хизмат кўрсатилмоқда. Соҳада 18 мингдан зиёд ходимлар меҳнат қилаётир.



Таъкидланганидек, кўп квартирали уйларда мулкдорлар томонидан тўланадиган мажбурий тўловларнинг мақсадли сарфланиши, бошқариш органлари фаолиятининг ҳисобдорлиги ва молиявий шаффофлигини таъминлаш соҳадаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги тегишли қарорида 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2027 йилдан бошлаб барча ҳудудлардаги кўп квартирали уйларда мулкдорларнинг умумий йиғилишларини ташаббус қилиш, шартномалар тузиш, бошқарувчилар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш фақат биллинг тизими орқали амалга оширилиши белгиланди.

Ҳозир мазкур онлайн йиғилишларни ягона тартиб асосида ўтказиш мақсадида умумий йиғилиш баённининг намунавий шакли ишлаб чиқилди ва биллинг тизимига жойлаштирилди.

Мазкур тизим орқали ҳар бир кўп квартирали уй бўйича тушум ва харажатлар, бажарилган ишлар, қарздорлик, мурожаатлар ҳамда уларнинг ижроси ҳақидаги маълумотларни онлайн кузатиш имконияти яратилган.

Соҳадаги яна бир муҳим вазифа — уй-жойларнинг техник ҳолатини тизимли баҳолаш ва мавжуд муаммоларни барвақт аниқлашдан иборат. “Тураржойˮ миллий идоралараро платформаси орқали кўп квартирали уйларнинг ҳолати тоифаларга ажратилиб, улар бўйича зарур таъмирлаш ва тиклаш ишларини режалаштириш механизми шакллантирилмоқда.

Вазир ахборотида лифтлар хавфсизлиги масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. “Хавфсиз лифтˮ ягона идоралараро платформаси ишга туширилди. Бу тизим лифтларнинг техник ҳолатини назорат қилиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Ахборотда энергия самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хорижий тажриба асосида кўп квартирали уйларни иссиқлик жиҳатдан самарали сақлаш, фасадларни замонавий материаллар билан қоплаш, энергия тежовчи ускуналардан фойдаланиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2024 — 2026 йилларда қарийб 1,8 мингга яқин уйларнинг фасадлари базальт материаллари билан қопланган. Шу билан бирга, кўп квартирали уйлар атрофини ободонлаштириш, болалар майдончалари, пиёдалар йўлаклари, суғориш тармоқлари ва жамоат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда мазкур мақсадлар учун 520 миллиард сўм йўналтирилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўп квартирали уйлар атрофида яшил ҳудудларни кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларида яшил боғларни ташкил этиш бўйича 54 та туман, шаҳар кенгашлари қарорлари билан ер майдонлари белгиланди. Экилган дарахт ва буталарни яшил боғ ташаббускорлари — пудрат ташкилоти томонидан парвариш қилиш тизими тўлиқ йўлга қўйилган.



Муҳокама давомида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам соҳадаги долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** вакиллари кўп квартирали уй-жойлар бошқарув компаниялари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, хизмат сифати паст бўлган компанияларни бозор механизмлари орқали саралаш масалаларини кўтарди. Шунингдек, соҳага янги, салоҳиятли тадбиркорлик субъектларининг кириб келишини рағбатлантириш масаласига эътибор қаратилди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуриладиган ижтимоий соҳа объектлари, айниқса, мактабларни лойиҳалашдаги камчиликлар, шунингдек, архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари томонидан лойиҳаларни кўриб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга урғу берилди. Бунда лойиҳалаш жараёнида хорижий тажрибани ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

“Адолат” СДП фракцияси томонидан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларда замонавий ва хавфсиз болалар ҳамда спорт майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг техник ҳолати, хавфсизлиги ва кейинчалик мунтазам сақланишини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари кўп қаватли уйларда яшаётган кекса фуқаролар, ногиронлиги бўлган шахслар ва болали оилалар учун лифтларнинг узлуксиз ҳамда хавфсиз ишлашини таъминлаш, носоз лифтларни капитал таъмирлаш ёки алмаштириш муддатларини белгилаш, шунингдек, электрон мониторинг тизимининг амалий самарадорлигини ошириш масалаларини кўтарди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси депутатлари эса кўп квартирали уйлар атрофида экилаётган дарахт ва бута кўчатларининг сақланиб қолиши, уларни суғориш ва парваришлаш ишлари устидан доимий назоратни таъминлаш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди. Шунингдек, нобуд бўлган кўчатларни қайта экиш учун масъул ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Вазир депутатларнинг саволларига жавоб бериб, билдирилган таклифлар соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

“Ҳукумат соатиˮ якунида кўп квартирали уй-жой фондидан самарали фойдаланиш, бошқарув ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, мулкдорларнинг бошқарув жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш, болалар ва спорт майдончаларининг хавфсизлигини таъминлаш, лифт хўжалигини модернизация қилиш, шунингдек, уй-жойлар атрофини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш ишларининг натижадорлигини оширишга келишиб олинди. Бунда соҳада очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш ҳамда белгиланган вазифалар ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

«Халқ сўзи».

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри, Бухоро вилоятининг Олот тумани, Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани, шунингдек, Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Оҳангарон туманлари транспорт-логистика соҳасига ихтисослаштирилади.

Форум

ХОТИН-ҚИЗЛАР ХАЛҚАРО МУЛОҚОТ МАЙДОНЛАРИДА

Ўзбекистон парламенти делегацияси Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида ўтказилаётган Бутунжаҳон аёл парламент аъзолари форумида иштирок этмоқда.

Делегация аъзолари форум доирасида қатор халқаро мулоқот майдонларида хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш, аёллар етакчилигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу жараёнда фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг ўрни каби масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова форумнинг параллел панель сессияларида маъруза билан қатнашди.

Шунингдек, делегация аъзолари Буюк Давлат Хурали депутати, Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Цагаанхуугийн Монхбат билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, савдо-иқтисодий, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда парламентлараро гуруҳлар фаолиятини жонлантириш, соҳавий қўмиталар ўртасида мунтазам мулоқот ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Ишчи гуруҳларда

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Депутатлар, Олий суд вакиллари, мутахассис-экспертлар иштирок этган ишчи гуруҳ йиғилишида таъкидланганидек, қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритишнинг вазифалари янада аниқлаштирилмоқда. Маъмурий органлар фаолияти устидан самарали суд назоратини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби конституциявий принципларга мувофиқ шакллантириш устувор вазифалар сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада суднинг фаол иштироки принципи ҳам кучайтирилмоқда. Хусусан, суд томонидан даъвогарга аризадаги формал камчиликларни бартараф этиш, талабларни аниқлаштириш ва муносиб даъво турини танлашда кўмаклашиш, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама ва холисона текширишга қаратилган нормалар назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган нормаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилишдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қонун лойиҳасининг ҳар бир нормасини ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан пухта таҳлил қилиш, уларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якунида илгари сурилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ҳамда Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқишга пухта тайёрлаш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Асаларичилик:

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР ВА КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан асаларичилик соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга бағишланган тадбир ўтказилди.

Маълумки, 13 октябрь куни яйловлар деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан Президентимизга қилинган тақдимотда яйловлардан бошқа тармоқлар билан бир қаторда асаларичилик йўналишида ҳам фойдаланиш муҳим экани қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ер юзидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми айнан асаларичиларнинг гулларни чанглатишига боғлиқ. Асаларилар ёрдамида чанглантирилган боғлар ва экин майдонларида ҳосилдорлик бир неча баробар ошади. Шу билан бирга, асалари биохилмахилликни сақлаш учун ҳам муҳим бўлиб, улар ёввойи ўсимликларнинг кўпайишини таъминлаб, экотизимлар, ўрмонлар ва яшил ҳудудларнинг яшаб қолишига хизмат қилади.

Иштирокчилар томонидан жаҳон стандартларига мувофиқ асал маҳсулотлари сифатини белгилаш бўйича махсус лабораторияларни янада кўпайтириш, уни замонавий юқори технологияли, энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозлаш ва тармоқни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Асаларичилик тармоғини ривожлантириш, бу борада давлат органлари вазифаларини белгилаш, асаларилар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш бўйича таклифлар берилди.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, хорижий мамлакатларнинг асаларичилик йўналишидаги илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш соҳани янада барқарор ривожлантиришга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, биохилмахилликни сақлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Якунда асаларичилик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган

ҲАМКОРЛИКДАН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган дунёда бирор давлатнинг тараққиётини ташқи оламдан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Иқлим ўзгариши, энергетик хавфсизлик, трансмиллий жиноятчилик, гиёҳвандлик, миграция, транспорт ва иқтисодий боғлиқлик каби масалалар давлатларнинг кўпроқ биргаликда ҳаракат қилишини тақозо этмоқда.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисида муҳокама марказида бўлган қонунлар ҳам мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-биридан фарқ қилса-да, уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳат бор. Бу мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорликни ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга ҳисса қўшиш, шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ёндашувидир.

«Яшил» энергетика — келажак иқтисодиётининг муҳим омили

Сенат муҳокамасига киритилган масалалардан бири — "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Тоза энергия маркази Уставини (2021 йил 27 ноябрь, Ашхобод) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун билан боғлиқ бўлди.

Глобал иқлим ўзгариши, энергетик хавфсизлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бугун нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Шу нуқтаи назардан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш барқарор тараққиётнинг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўляпти.

Мазкур Уставнинг асосий мақсади ҳам ИҲТга аъзо давлатларда қайта тикланувчи энергия ва унинг самарадорлигини ривожлантириш, миллий институтлар салоҳиятини ошириш ҳамда паст углеродли лойиҳалар учун молиявий ва техник ресурсларни жалб этишдан иборат. Шунингдек, илмий тадқиқот ва таълим дастурларини мувофиқлаштириш, тажриба ҳамда соҳага оид статистик маълумотларни алмашиш, кадрлар ва институтлар салоҳиятини ошириш учун ҳам имконият яратишдир.

Минтақа тақдири — умумий манфаатлар муштараклигида

Халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган ҳикматли нақл бор. Албатта, бу бежиз эмас. Ота-боболаримиз азал-азалдан қўни-қўшничилик тартиб-таомилларига қатъий риоя қилиб келган. Бу анъана замонавий дунёда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Аксинча, энди у бир оила, маҳалла қамровидан мамлакат, минтақалар даражасига кўтарилди. Ялпи мажлисда муҳокамадан ўтказилган Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасида абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш билан боғлиқ қонун ана шу ҳақиқатнинг исботи. 2025 йил 17 июнь куни Остона шаҳрида имзоланган ҳужжат Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини белгилайди.

Ҳужжатнинг қамрови анча кенг. Унда савдо, инвестиция, транспорт ва инфратузилма, энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик йўналишлари белгиланган. Айниқса, транспорт-коммуникация бўйича шериклик имкониятлари алоҳида аҳамият касб этади.

"Замонавий ҳамкорлик" тушунчаси фақат иқтисодиёт ёки транспорт билан чекланмасдан, рақамли инфратузилма, оптик толали алоқа тармоқлари ва сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш каби янги йўналишлар ҳам ҳужжатда ўз аксини топган. Бу эса минтақавий ҳамкорликнинг мазмуни ва кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Янги тахдидга биргаликдаги ёндашув

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланишининг нафақат инсон саломатлиги, балки дунё мамлакатлари иқтисодиётига келтирган зарари ҳам ниҳоятда катта. Бу Ўзбекистон учун ҳам миллат генафондини сақлаш йўналишида муҳим масала. Шу боис Сенат ялпи мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Гиёҳвандликка қарши курашиш маркази тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, замонавий жиноий гуруҳлар янги усуллардан, жумладан, интернет маконидан ҳам фойдаланаётгани бу соҳада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш заруратини оширяпти. Марказий Осиё давлатлари учун эса инсон саломатлиги ва миллий хавфсизлик билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда минтақада янги психофаол моддалар мусодараси 74 баравар ўсган. 2024 йилда гиёҳвандлик воситаларининг мусодараси 2023 йилдагига нисбатан 73,5 фоизга, шундан опиатлар 157,2 фоиз, канабиноидлар 75,3 фоизга ошган.

Мазкур Битимнинг амалий аҳамияти ШҲТ доирасида наркотик моддалар ва улар прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича доимий фаолият юритувчи махсус орган — Гиёҳвандликка қарши курашиш марказини ташкил этишни назарда тутади.

Унинг вазифалари кенг қамровли: тезкор-профилактик тадбирларни мувофиқлаштириш, трансмиллий жиноий гуруҳлар фаолиятини аниқлаш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши чоралар кўриш, халқаро қидирув, қўшма операциялар, маълумот алмашиш ва мутахассислар малакасини ошириш шулар жумласидан.

Инсон ҳуқуқи — бош мезон

Инсон учун энг нохуш ҳолатлардан бири — озодлиги ва эркинлигининг чекланиши, яъни қамоқ жазосига ҳукм қилиниши. Бу жараён унинг ўз Ватанидан ташқарида кечиши эса маҳкум ва оила аъзоларининг изтиробларини икки карра оширади. Ўз юртида жазо ўтаётган маҳкум йилига бир-икки марта яқинлари билан учрашиши, жўнатмалар олиб туриши мумкин. Хорижда эса бунинг имкони йўқ. Шу маънода, мамлакатлар ўртасида маҳкумларни алмашиш бўйича битимлар имзоланадики, мақсад — имкон қадар хориж қамоқхонасида сақланаётган фуқарони ўз юртига олиб келиш. Жазони ўз Ватанида ўташ имконини бериш.

Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан маҳкумлар жазо ўташни давом эттириши учун фуқаролиги бўлган давлатга ўтказиш бўйича 11 та мамлакат — Озарбайжон, Бирлашган Араб Амирликлари, Грузия, Италия, Латвия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон, Украина, Эрон билан халқаро шартномалар имзоланган. Сенат ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин олган "Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Битимни (Исломобод, 2026 йил 5 февраль) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун юқоридаги жараёнларнинг давоми дейиш мумкин.

Бу ҳужжатда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кафолатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, маҳкум топширишнинг моҳияти ва ҳуқуқий оқибатлари ҳақида ёзма равишда хабардор қилиниши, розилик ихтиёрий ва унинг оқибатларини тўлиқ англаган ҳолда берилиши белгиланган. Шунингдек, тайинланган жазо оғирлаштирилмаслиги ва айни бир жиноят учун такроран жавобгарликка тортишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Бу нормаларнинг аҳамиятини бир жиҳат билан изоҳлаш мумкин: ҳуқуқий ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлмасин, унинг марказида инсон тақдири ва ҳуқуқлари тургандагина у ўз мазмунига эга бўлади.

Масалалар турли — мақсад ягона

Гарчи юқорида тилга олинган масалалар турли йўналишларда бўлса-да, уларга бир бутун жараён сифатида қаралса, моҳият ойдинлашади.

Бир томонда — тоза энергия ва унинг самарадорлиги ҳамда экологик барқарорлик. Иккинчи томонда — савдо, инвестиция, транспорт ва рақамли тараққиёт. Яна бир йўналиш — гиёҳвандлик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш бўлса, иккинчи бир қутбда маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар. Гарчи йўналишлар турлича бўлса-да, уларнинг барчаси замонавий давлатлараро муносабатларнинг бир ҳақиқатини кўрсатади: барқарор тараққиёт, хавфсизлик ва инсон манфаатларини таъминлаш тобора кўпроқ ҳамкорликни талаб этмоқда.

Сенатдаги муҳокамалар эса ана шу ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини очиб берди. Чунки бугунги шартномалар ва битимлар фақат қоғоздаги келишувлар эмас. Улар ортида транспорт йўлаклари, янги инвестициялар, тоза энергия лойиҳалари, хавфсизлик механизмлари, тажриба алмашинуви ва энг муҳими, инсон манфаатларига дахлдор жараёнлар турибди.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисида муҳокама қилинган масалаларни мамлакатнинг халқаро ҳамкорлик географияси кенгайиб, унинг мазмуни эса янги — иқтисодий, технологик, экологик, хавфсизлик ва инсонпарварлик мезонлари билан бойиб бораётганининг ҳуқуқий ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ЎЗАРО ИШОНЧГА ТАЯНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

1

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги йиллик товар айланмаси барқарор равишда 4 млрд. доллардан ошди. Шу билан бирга, ҳали ўзаро савдони ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Уларни юзага чиқариш учун ўзаро товар айланмасини кўпайтириш дастури ишлаб чиқилгани таҳсинга сазовор. Галдаги вазифа — икки томонлама савдо ҳажмини йилига 10 млрд. долларга етказишдан иборат.

Яқинда илгари сурилган Ўзбекистон ва Қозоғистон миллий тўлов тизимларини ўзаро боғлаш ташаббуси мана шу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади. Нега деганда, ягона тўлов тизими — турли банклар, карталар, мобиль иловалар ва миллий платформалар ўртасида тўловларни ўзаро қабул қилиш имконини берадиган инфратузилмадир. У, одатда, банклараро тўловлар, ягона ёки ўзаро тан олинадиган QR-кодлар, тезкор пул ўтказмалари, ягона клиринг ҳамда ҳисоб-китоб механизми, электрон идентификация, маълумотларни ҳимоя қилиш тизими, валюта конвертацияси, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби элементларни ўз ичига олади. Муҳими, ягона тизим ягона компания ёки битта банк дегани эмас. У турли иштирокчиларни умумий техник стандартлар асосида бирлаштирувчи очиқ инфратузилмага айланиши мумкин.

Йирик қўшма лойиҳалар қаторида "Марказий Осиё" халқаро саноат кооперацияси марказини байроқдор лойиҳа сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. У тахминан 100 гектар майдонда икки томонлама саноат зонасини яратиб, тиббиёт буюмлари, ПВХ маҳсулотлари, томчилатиб суғориш тизимлари, пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бу, ўз навбатида, минтақавий қўшилган қиймат занжирларининг янги йиғиш нуқтаси ҳисобланади. Ўзбекистон ва Қозоғистон қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро олди-сотдидан кўра, чуқур қайта ишлашга ўтишни кучайтиришни режалаштирмоқда.



Қўшма инвестиция платформаси ва транспорт коммуникацияси

Айтиш керакки, Олий давлатлараро кенгаш қарори билан камёб ҳамда ноёб ер металлари геологияси ва қазиб олиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу замонавий дунёнинг "янги нефти" бўлиб, унга инвесторларнинг қизиқиши юқори. Қолаверса, келгусидаги устувор йўналишлар қаторида сунъий интеллектни ривожлантириш, сув-энергетика ва транзит-транспорт соҳалари ҳам танлаб олинган. Ҳамкорликни кучайтириш мақсадида қўшма инвестиция платформасини яратиш бўйича Доиравий келишув имзолангани мазкур йўналишлардаги ишларга янги суръат бағишлаши, шубҳасиз.

2024 йил май ойида Хитой — Қозоғистон — Ўзбекистон (Жанубий транспорт коридори) йўналиши бўйича контейнер ташишларни автоматик бошқариш учун "Узлуксиз транзит" ишга туширилди. Бугунги кунда бу тажриба бошқа йўналишларга ҳам татбиқ этиляпти.

Транспорт коммуникацияси — ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири. Туркистон — Чимкент — Тошкент тезюрар темир йўл магистрали қурилиши жадал давом этяпти. Янги магистраль икки қардош мамлакатни бирлаштирувчи ягона сайёҳлик йўналишига айланиши кутиляпти. Натижада мамлакатларнинг туристик салоҳияти сезиларли даражада ошади.

Қолаверса, автомобиль ва темир йўллар ўзаро интеграциялашган. Ушбу муҳим тармоқ учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам бажаради. Бу борадаги истиқболли лойиҳалар қаторида Учқудуқ — Қизил-Ўрда участкасида янги йўлак барпо этилаётгани, Туркистон — Тошкент тезюрар темир йўли ишга туширилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Автомобилда ҳамда темир йўл орқали юк ташиш ҳажми ортяпти. Икки давлат ўртасидаги ҳаво қатновида янги йўналишлар очилаётир.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари чегарадаги инфратузилмани модернизациялаш, жумладан, ўтказиш пунктларини кенгайтириш ҳамда логистика марказларини яратиш бўйича фаол чоралар кўрмоқда. Бироқ бу ечимнинг фақат бир қисми. Муваффақият нафақат ўтказиш қобилияти билан, балки божхона расмийлаштируви вақти ва мураккаблигининг реал қисқариши билан ўлчанади. Мамлакатларимиз ҳам бу йўналишда синхронлаштирилмоқда, десак, муболаға эмас.

Яқинда икки давлатнинг божхона хизматлари вакилликларини очиш тўғрисида ҳукуматлараро келишув имзоланди. Бу ва бошқа чора-тадбирлар икки мамлакатнинг транспорт ҳамда логистика ҳамкорлигидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги темир йўл ташишлар ҳажми 15 фоиздан кўпроққа ўсиб, 22 млн. тоннадан ошди. Тариф сиёсатини биргаликда такомиллаштириш, юкларни ташиш шароитларини яхшилаш, чегарадаги ўтказиш пунктларини модернизациялаш ва божхона тизимларини рақамлаштиришни давом эттиришга келишиб олинди. Бу қадамлар мамлакатларимизнинг транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш учун шароит яратади.

Иқтисодий тузилма интеграцияси ва манфаатлар учбурчаги

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё транспорт тармоғига Афғонистон ҳам қўшилиши мумкин, бу эса Жанубий Осиёга дарвозаларни очишга имкон беради. Қолаверса, Марказий Осиёга чегаралар периметри бўйлаб барқарорлик контури керак. Афғонистон беқарорлик манбаига айланиши ёки минтақавий иқтисодий тузилмага интеграциялашиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Олмаотада Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон учун Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТнинг минтақавий маркази очилишини муҳим дипломатик ғалаба, дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ҳамда Жануб учрашадиган Евроосиё мамлакати ҳисобланади. Уларнинг кўприк роли Афғонистон атрофидаги вазиятда аниқ кўринади. 2021 йилда Кобулда режим ўзгаргандан сўнг, Ўзбекистон — Қозоғистон инсонпарварлик масалаларини ҳал этиш учун янги Афғонистон раҳбарияти билан алоқаларни сақлаб қолди, бошқа томондан эса ёрдам кўрсатиш ҳамда инқирознинг олдини олиш бўйича АҚШ, ЕИ, БМТ билан фаол ҳамкорлик қилди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон минглаб ришталар, умумий минтақавий кун тартиби ҳамда маданий "белбоғлар" билан чамбарчас боғланган. Давлат раҳбарларининг қатъий иродаси эса бу алоқаларни барча йўналишда мустаҳкамлайди.

— Қозоғистон Президенти сифатида мен Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беришни ўз бурчим, деб биламан. Шуни таъкидламоқчиманки, турли "экспертлар"нинг ҳар хил бўҳтонларига қарамай, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон ҳеч қачон рақиб ва ҳатто мусобақалашувчилар эмас, балки стратегик ҳамкорлар, тараққиёт йўлидан биргаликда бораётган ишончли иттифоқчилардир, халқларимиз бир-бирига самимий ҳурмат кўрсатадиган ҳақиқий биродарлар, яқин дўстлар, — деган эди Қосим-Жомарт Тоқаев Хивада ўтказилган музокараларда.

Ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва иқтисодиётни тузилмавий модернизация қилишнинг аниқ режаси мамлакатларимиз муносабатларида синергияни яратади. Саноат кооперацияси масалалари, чегара савдо инфратузилмасини яратиш ҳамда транспорт алоқаси — Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг стратегик салоҳияти айнан мана шу ўзаро манфаатлар учбурчагида яширинган. Транзит-индустриал каркасни шакллантириш бу нафақат транспорт коридорларининг логистик хизматлари, балки минтақавий қўшилган қиймат занжирларини яратишдир.

Аслида тарих, дин, маданият, тил, анъаналарнинг яқинлиги сиёсий ва иқтисодий интеграцияга олиб келди. Ҳозирги кунда "Абадий дўстлик тўғрисида", "Стратегик шериклик тўғрисида", "Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида" ҳамда "Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида"ги давлатлараро ҳуқуқий ҳужжатлар амал қиляпти. Ҳар йили олий даражадаги икки томонлама ташрифлар, учрашувлар мунтазамлик касб этган.

Эришилган келишувлар ҳамда имзоланган битимлар ўзаро шерикликни аниқ мазмун билан бойитиш, қўшма лойиҳалар учун янги уфқлар очиш, қардош давлатларнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратиши, шубҳасиз.

Алимбек ЖУМАНОВ,
Шимкент университети профессори, Қозоғистон Миллий табиий фанлар академияси академиги.

2027 йил 1 январдан 2030 йил 1 январгача умумий даромадининг камида 60 фоизини иссиқхона фаолиятидан олган тадбиркорлик субъектларига юридик шахслар учун ер ва мол-мулкка солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 15 октябрь

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШ ЙЎЛИ

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Тошкент сессиясида сўзланган нутқдан учинчи Ренессанс тафаккурига

2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтганди. Сессия ишида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 26 давлат ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, Ислом тараққиёт банки президенти, ташкилотнинг ёрдамчи ва махсус муассасалари бош директорлари, АҚШ, Франция, Италия, Буюк Британия, Швейцариянинг ИҲТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор тузилмалар вакиллари қатнашган.

Нуқтаи назар

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев сессиянинг очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлаган. У ўз нутқида “Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзусини сессиянинг асосий шиори ва устувор ғояси деб эълон қилган.

Тошкентда янграган ўша нутқнинг тарихий салмоғини бугун, ўн йиллик масофадан туриб, янада теран англаш мумкин. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси Ўзбекистоннинг мусулмон дунёси билан мулоқотида муҳим воқеа бўлди. Шавкат Мирзиёев илгари сурган қарашлар эса кейинги йилларда аждодлар меросини ўрганиш, маърифий муассасалар барпо этиш ва миллий ўзликни мустаҳкамлаш ишларида ўз аксини топди.

Тарихий бурилиш янги нигоҳдан бошланади. Халқ асрлар давомида шакллантирган ва асраб келган тарихий-маданий ва илмий меросга давлатнинг муносабати қандай бўлади? Уни ўтмишнинг ёдгорлиги сифатида эъзозлаш билан чекланадими ёки келажакни қуришда иштирок этишга қодир маънавий ва интеллектуал куч сифатида ишга соладими? 2016 йилги Тошкент нутқининг бугунги аҳамияти айнан шу саволга жавобда мужассам.

Ўша куни минбарга чиққан Шавкат Мирзиёев мамлакат сиёсий ҳаётида янги босқич бошланаётган, жамият келажак йўлини англашга интилаётган бир пайтда, таълим, маърифат, тарихий хотира ва муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ҳақида сўзлади. Бу мавзулар нутқда бир-биридан ажралган йўналишлар эмас, халқнинг маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган яхлит қараш сифатида намоён бўлди.

Нутқнинг рамзий қудрати шунда эдики, унда Бухорий ва Хоразмий, Термизий ва Беруний, Мотуридий ва Улуғбек мероси бир тарихий маконда учрашди. Диний илмлар билан аниқ фанлар, эътиқод билан тафаккур, миллий хотира билан умуминсоний тараққиёт ўртасидаги узвийлик яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига кўрсатилди.

Бугун бу нутқни кейинги ўн йил мобайнида амалга оширилган ислоҳотларнинг муҳим ғоявий манбаларидан бири сифатида ўқиш, ўрганиш мумкин. Унинг дастурий мазмуни кейин бунёд қилинган илмий марказлар, йўлга қўйилган тадқиқотлар ва кенгайган халқаро алоқаларда ўз ифодасини топди. Тошкентда айтилган сўзлар мамлакатнинг маърифий қиёфасини янгилаш йўлида амалий мазмун касб этди.

Тарихий давомийлик ва янги кўлам

Собиқ иттифоқ даврида ислом олами билан алоқалардан узиб қўйилган Ўзбекистон мустақиллик йилларида ушбу ришталарни тиклашга киришди. 1996 йилда мамлакат ИҲТга аъзо бўлди, Ислом тараққиёт банки ва таълим, фан, маданият соҳасидаги ислом халқаро институтлари билан ҳамкорлик қила бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида диний ҳаётни тиклаш, зиёратгоҳларни обод этиш ва диний таълимни ривожлантириш борасида муҳим ишлар бажарилди. 1999 йилда Тошкент ислом университетининг очилиши ҳам шу жараённинг бир қисми эди.

Бу ўзгаришларнинг тарихий заминини унутмаслик керак. Мустамлака давридаги атеистик сиёсат диний хотирага оғир зарба берган, авлодлар ўртасидаги илм ва маърифатни узатиш занжирини заифлаштирган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги экстремизм ва терроризм таҳдидлари эса диний соҳага хавфсизлик нуқтаи назаридан қарашни кучайтирганди. Бундай шароитда мероснинг тарбиявий ва интеллектуал имкониятларини тўлиқ намоён этишга ўтиш осон кечмади.

ИҲТ ва унинг тузилмалари билан ҳамкорликнинг иқтисодий, илмий-маърифий ва цивилизацион имкониятларидан мамлакат тараққиётининг янги босқичида кенгроқ ва тизимлироқ фойдаланишга киришилди.

2016 йилги нутқни шу мураккаб тарих фонида ўқисак, ундаги янги урғу равшанлашади. Исломий меросни ўрганиш жамиятнинг маънавий барқарорлигига, ёшларнинг билимли бўлишига ва халқлар ўртасидаги ўзаро тушунишга хизмат қилиши керак. Хавфсизлик масалалари билан маърифий вазифалар бир-бирини тўлдириши лозим. Кейинги йилларда ташкил этилган илмий муассасалар ва қабул қилинган қарорлар бу йўналишнинг амалий ифодаси бўлди.



Миллатни бирлаштирувчи маънавий таянч

Буюк ислоҳотлар халқнинг ички ишончига таянади. Инсон ўзининг ва меҳнатининг қадрини, фарзандининг истиқболини ва ўз юртининг жаҳондаги ўрнини ҳис қилганида келажакка бошқача қарайди. Миллий тарихнинг шонли саҳифалари ана шу ишончни озиқлантиради. Улар халққа буюк ўтмиш ва аждодлардан ғурурланиш билан бирга ўз салоҳиятига ишонч туйғусини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилги нутқида алломалар номининг эҳтиром ва фахр билан тилга олиниши шу маънода алоҳида аҳамиятга эга. Бухорийнинг ҳадис илмидаги хизматлари, Мотуридий таълимотида заковатнинг ўрни, Хоразмий, Фарғоний, Беруний ва Ибн Синонинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси нутқда умумий илмий-маърифий мерос сифатида кўрсатилди. Миллий ғурурнинг таянчи шу меросни билиш, англаш ва авлодларга етказиш экани таъкидланди.

Буюк аждодлар номини айтиш осон. Уларнинг тафаккур даражасига муносиб бўлиш эса меҳнат талаб қилади. Бухорий меросини эъзозлаш манбанинг ишончлилигини текширишни қадрлашдир. Берунийни улуғлаш кузатиш, таққослаш ва далилга таянишга интилишдир. Улуғбек хотирасини асраш илм учун зарур муҳит яратиш масъулиятини ҳис қилишдир. Ана шунда тарихий фахр инсоннинг кундалик танловига таъсир кўрсата олади.

> *“Тошкентда янграган ўша нутқнинг тарихий салмоғини бугун, ўн йиллик масофадан туриб, янада теран англаш мумкин. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси Ўзбекистоннинг мусулмон дунёси билан мулоқотида муҳим воқеа бўлди. Шавкат Мирзиёев илгари сурган қарашлар эса кейинги йилларда аждодлар меросини ўрганиш, маърифий муассасалар барпо этиш ва миллий ўзликни мустаҳкамлаш ишларида ўз аксини топди.”*

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳақидаги тасаввур ҳам шу ерда маъно касб этади. IX — XII асрлардаги илмий юксалиш ва темурийлар давридаги маданий-интеллектуал тараққиёт мамлакат тарихида катта тафаккур муҳитлари мавжуд бўлганини эслатади. Бу муҳитларда қўлёзма, мадраса, кутубхона, таржима ва илмий мулоқот муҳим ўрин тутган. Бугунги Уйғониш ҳақида ўйлаганда, айнан илм яратиш ва ривожлантириш маданиятини давом эттириш зарурлиги англашилади.

2016 йилги нутқда тарихий меросни ёшларнинг замонавий билим олиши ва жамият тараққиёти билан боғлаш ғояси мавжуд эди. Кейинчалик Ренессанслар мероси ва янги маърифий юксалиш ҳақидаги қарашлар шу йўналиш билан уйғун ривожланди.

Миллий тарихнинг шонли саҳифаларидаги маънавий таянчнинг бирлаштирувчи кучи бағрикенгликда намоён бўлади. Ўзбекистоннинг умумий тарихи, маданияти ва келажаги турли миллат ҳамда эътиқод вакилларига дахлдор. Исломий мероснинг инсонпарварлик мазмунини очиш ушбу умумий маконни бойитади. Миллий ўзликни чуқур англаш бошқа халқларни ҳурмат қилишга, ўз тарихини билиш эса жаҳон билан очиқ мулоқотга замин яратади.

Ғоянинг ҳаётий ифодалари

Тошкент нутқининг дастурий хусусиятини аниқ кўрсатадиган далил — унда Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини очиш ташаббусининг бевосита маълум қилингани. Марказ 2017 йил 27 мартдаги Президентимизнинг қарори асосида ташкил этилди; ўша йилнинг 10 июлида унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди. Нутқдаги таклиф ҳуқуқий ва ташкилий асосга эга бўлди.

2017 йилда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш тўғрисидаги қарорлар ҳам имзоланди. 2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон халқаро ислом академияси очилди. 2020 йил 11 августда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказига асос солинди. Ушбу муассасалар мерос тадқиқи, таълим ва ёшлар тарбияси вазифаларини ўзаро боғлади.

Бундай марказлар қўлёзмаларни ўқиш, асарларни таржима қилиш, илмий нашрларни тайёрлаш ва халқаро тадқиқот алоқаларини мустаҳкамлаш учун муҳит яратади. Муҳими, халқнинг буюк алломаларга ҳурмати профессионал билим ва изланиш билан бойийди. Зиёратгоҳларнинг маънавий таъсири илмий марказларнинг тафаккур қудрати билан туташади.

Цивилизация хотираси ва келажак масъулияти

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ушбу маърифий йўналишнинг энг йирик ифодаларидан бири бўлди. Дастлаб Ислом маданияти маркази сифатида белгиланган лойиҳа кейин унинг ташаббускори таклифи билан Ислом цивилизацияси маркази номи билан ривожланди. Бу ном илмий меросни диний ҳаёт доирасидан кенгроқ — илм, маданият ва инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганишга кўпроқ мос келиши ҳисобга олинди.

2026 йил 17 мартда марказнинг расмий очилиш маросими ўтказилди. Унда Президентимиз илм ва таълимнинг мамлакат келажагидаги ўрнини яна бир бор таъкидлади. 2016 йилда Тошкент минбаридан билдирилган маърифий қарашларни 2026 йилги очилиш воқеаси билан ёнма-ён қўйганда, қарийб ўн йиллик ҳаракатнинг ички уйғунлиги намоён бўлади. Биринчи нутқда меросни ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси қўйилган бўлса, янги марказ бу вазифаларни бажариш учун муҳташам макон яратди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг жамоатчилик учун қиммати унга келган инсоннинг тарихни қандай англашида намоён бўлади. Ўқувчи бир қўлёзмага қараб, унинг ортидаги олим меҳнатини тасаввур қилади. Ёш тадқиқотчи аждодлар илмини замонавий мавзулар билан боғлайди. Хорижлик меҳмон Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг тарихий манзарада кўради. Мерос шу тариқа турли касб ва қизиқишга эга одамлар билан мулоқотга киришади.

Бу ерда эътиқод билан билимнинг тарихий яқинлиги алоҳида аҳамиятга эга. Қуръони каримни англашга интилиш тафсир, калом, балоғат каби илмларни, тилшунослик ва манбашуносликни ривожлантирган; инсон ва оламни билиш иштиёқи эса дунёвий илмларга қизиқишга сабаб бўлган. Ўтмишни бор мураккаблиги билан бирга кўрсата олган марказ ёшларга цивилизациялар қандай яратилганини тушуниш имконини беради.

Шу маънода, янги илмий муассасалар катта ва муҳим ишларнинг бошланишидир. Олимларнинг тадқиқотлари, таржимонлар меҳнати, устозлар маҳорати ва ёшларнинг қизиқиши ушбу марказлар жойлашган муҳташам биноларга ҳаёт бағишлайди. Ҳар бир илмий асар, ҳар бир сифатли тадқиқот, ҳар бир аниқ тушунтирилган тарихий далил улкан мажмуанинг илмий-маънавий қудратини оширади. Аждодлар меросини келажакка олиб ўтиш масъулияти айнан шу кундалик меҳнатда бажарилади.

Зиёрат орқали кенгайган мулоқот

Тарихий меросга муносабатдаги ўзгариш халқаро алоқаларда ҳам кўринди. 2016 йилги нутқда ИҲТ мамлакатларидан Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар ва меҳмонлар учун мамлакатга кириш расмиятчиликларини соддалаштириш чоралари кўрилиши айтилган эди. Бу хабар мамлакат ҳудудида жамланган меъморий ва илмий мероснинг жаҳонга очиқлиги, одамлар ўртасидаги ўзаро учрашувлар ва мулоқотларга берилажак аҳамиятга ишора эди.

Бухоро, Самарқанд, Термиз ва Тошкентга келган зиёратчи халқнинг хотираси билан танишади. У муқаддас қадамжолар билан бирга меъморчиликни, маҳаллий ҳаётни, ҳунармандчилик ва меҳмондўстликни кўради. Зиёрат туризми шу боис маънавий мулоқотни хизмат кўрсатиш, маданий меросни асраш ва ҳудудлар ривожи билан боғлаш имконини беради. Бу имконият сайёҳларга сифатли хизмат ва тарихий маълумотнинг ишончлилиги билан янада бойийди.

АЙСЕСКО томонидан 2024 йилда Хивага “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” мақомининг берилиши, шаҳарда ИҲТ туризм вазирлари конференцияси XII сессиясининг ўтказилиши ўзбек халқи илмий-маданий ва меъморий меросининг халқаро мулоқотдаги ўрнини кўрсатди. Тошкентда маърифат ҳақида айтилган ғоялар кейинги йилларда бошқа шаҳарлар ва бошқа соҳаларда давом этди. Маданий хотира мамлакатнинг дунё билан муносабатларида фаол қатнаша бошлади.

Ислоҳотларнинг инсон ҳаётига дахлдор жиҳати Ҳаж ва Умра зиёратлари имкониятларида ҳам кўринади. 2016 йилги нутқда Ўзбекистондан ҳар йили беш мингдан зиёд кишилар Ҳаж амалини адо этаётгани айтилганди. 2026 йилда 15 минг нафар ўзбекистонлик Ҳаж зиёратини ва йилнинг биринчи ярми мобайнида 167 минг нафар инсон Умра амалларини бажарди. Бу рақамлар ортида зиёратга йўл олган минглаб инсонларнинг орзуси ва оилаларнинг қувончи турибди.

Давлатнинг эътиқодга ҳурмати инсон қадри билан уйғун бўлганда маърифий сиёсат ҳаётий мазмун касб этади. Бунда тарихий қадамжонинг ободлиги ҳам, тадқиқотчининг меҳнати ҳам, зиёратчининг хотиржамлиги ҳам бир мақсадга — инсоннинг маънавий эҳтиёжларига ҳурмат билан ёндашишга хизмат қилади.

Тамаддунни давом эттирадиган авлод

2016 йилги Тошкент нутқининг бугунги аҳамиятини фақат ўтган йиллар натижалари билан чегаралаб бўлмайди. Унда қўйилган вазифалар келгуси авлод олдида ҳам турибди. Меросни англаш, ёшларни билимга йўналтириш, илм-фанни ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш узоқ муддатли меҳнатни талаб қилади.

Билимли инсон диний даъвонинг манбасини сўрайди, тарихий ҳодисанинг далилини қидиради, ҳиссиётга таъсир қилувчи гапни ҳақиқат билан таққослайди. Ана шу кўникма жаҳолат ва радикал ғоялар таъсирини камайтиришга ёрдам беради. 2016 йилги нутқда маърифий меросни ўрганиш ёшларнинг илмга интилиши, ислом қадриятларини тўғри англаши ва маданиятлараро мулоқот билан боғлангани бежиз эмас.

Миллий ғурур ҳам билим билан мустаҳкамланади. Ўз тарихини чуқур билган авлод уни соддалаштиришдан асрайди, бошқа халқлар ҳиссасини эътироф этади ва аждодлар меросига масъулият билан қарайди. У буюкликни фақат машҳур номларда эмас, ўша номларни буюк қилган меҳнат, интизом ва тафаккурда кўради. Янги уйғонишнинг инсонга дахлдор мезони ана шудир.

Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг ушбу йўналишдаги сиёсатини тарихий хотирани жамиятнинг маънавий кучига айлантиришга қаратилган фаолият сифатида тавсифлаш мумкин. Илмий марказлар, таълим муассасалари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, зиёрат туризми ва халқаро ҳамкорлик шу фаолиятнинг турли кўринишларидир. Уларнинг умумий мазмуни — халқнинг меросини келажагига хизмат қилдириш.

Бу йўлнинг натижаси бугунги кун авлодининг интилишлари ва қизиқишларида ҳам акс этмоқда. Мактаб ўқувчиси Беруний қандай изланганини билишни истаса, талаба қўлёзмани ўқиш учун тил ўрганса, ёш олим ишончли тадқиқот билан жаҳон илмий мулоқотига кирса — аждодлар мероси бугуннинг ҳаётида давом этади. Шунда миллий хотира янги билим яратишга куч беради.

Ўзбекистоннинг буюк ўтмиши унинг келажаги олдидаги масъулиятини ҳам буюк поғонага кўтаради. Биринчи ва Иккинчи Ренессансни яратган заминнинг ворислари учун буюк аждодларга энг муносиб эҳтиром илмни қадрлаш, ҳақиқатни излаш ва инсонга хизмат қилишдир. Тошкентда янграган маърифий даъватнинг келажакка йўналган қудрати ҳам шунда. Миллий тамаддун уни давом эттиришга бел боғлаган авлод билан юз очади.

Шоазим МИНОВАРОВ,
сиёсатшунос.

Конференция

ОЛИМ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Пўлат Ҳабибуллаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Физикада фундаментал ва амалий тадқиқотлар” мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари, олимлар ҳамда талабалар иштирок этди. Дастурдан расмий чиқишлар, ялпи мажлис ва шуъба йиғилишлари ўрин олди. Уларда физиканинг долзарб йўналишлари, жумладан, яримўтказгичлар, наноматериаллар, оптик ҳодисалар ва уларнинг амалий аҳамиятига оид илмий маърузалар тақдим қилинди.

Анжуман доирасида Пўлат Ҳабибуллаевнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, илмий мактаби ва бой илмий мероси ёдга олинди.

Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги бўлган. Олим турли йилларда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган. Унинг илмий тадқиқотлари акустик спектроскопия, физик ва квант акустикаси, нанофизика, чизиқли бўлмаган оптика, лазер термокимёси, ядро физикаси ва бошқа йўналишларни қамраб олган. 500 дан ортиқ илмий ишлар ва 15 та монография муаллифи бўлиб, 200 дан зиёд фан номзодлари ҳамда 40 нафар фан докторини тайёрлашга ҳисса қўшган.

Ушбу халқаро конференция олим хотирасини эъзозлаш, илмий меросини ўрганиш ва физика соҳасидаги фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар юзасидан фикр алмашишда илмий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

Голиб БАҲРОМОВ
(“Халқ сўзи”).

Интилиш

ТАЛАБАЛАР ЯРАТГАН ИННОВАЦИОН ҚУРИЛМАЛАР



Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университетининг Суньий интеллект лабораторияси талаба-ёшларнинг инновацион ғоялари реал лойиҳаларга айланаётган муҳим илмий-амалий майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, талабалар томонидан яратилиб, ҳозирги кунда 15 та хонадонда синовдан ўтказилаётган “Смарт Boiler” қурилмаси кўмирда ишлайдиган иситиш қозонларини автоматлаштириш ва телефон орқали масофадан бошқариш имконини беради.

Шу билан бирга, “Ақлли термодатчик” эса Урганч ва Андижон шаҳарлари ҳамда туманларидаги мактаб ва боғчаларга ўрнатилиб, иссиқлик таъминотини мониторингдан ўтказиш, энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Биз ва табиат

ЎЗБЕКИСТОН ФАУНАСИ ЯНАДА БОЙИДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти ва хорижлик олимлар “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғида мамлакатимиз ҳудудида илгари учрамаган янги кўршапалак турини аниқлашди.



Маълумотларга кўра, туркман узунқулоқ кўршапалаги (Plecotus turkmenicus) Марказий Осиёда тарқалган ўта ноёб ҳамда кам ўрганилган тур ҳисобланади. Илгари у фақат 1970 йилгача мавжуд маълумотлар ҳамда музей экспонатлари орқалигина маълум бўлиб, сўнгги 55 йил давомида табиатда деярли учрамаганди.

Дарвоқе, мазкур тадқиқот Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) томонидан амалга оширилаётган, Германия Атроф-муҳит вазирлигининг Халқаро иқлим ташаббуси молиялаштирадиган Табиатни муҳофаза қилишда “Ягона саломатлик” (“One Health in Nature Conservation”) лойиҳаси доирасида ташкил этилган экспедиция чоғида олиб борилди.

“Халқ сўзи”.

Юртимизда йил якунигача 620 минг гектар, келгуси йилда 3 миллион 700 минг гектар яйловни қайта тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6